

ADOLAT

ЎЗБЕКИСТОН «ADOLAT» SOʻSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 42 (951) • 2013-yil, 18-oktabr, juma

Ўзбекистон — Латвия:

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшинг таклифига биноан давлат ташрифи билан 16-17 октябрь кунлари ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 17 октябрь куни бўлиб ўтди.

Латвия Президенти қароргоҳида олий мартабали меконни расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида Президентлар икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Латвия ўзаро муҳим ва ишончли ҳамкор эканлиги, мамлакатларимизни кўп йиллик анъанавий ҳамкорлик ва мустақкам дўстлик ришталари боғлаб туриши таъкидланди.

Қайд этиш керакки, музокаралар ёрқин воқеа билан бошланди: Ўзбекистон Республикаси Президентига Латвиянинг олий давлат мукофоти — биринчи даражали «Эътироф крести» ордени топширилди. Латвия Республикаси Президенти мамлакатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу бир жihatдан икки давлат раҳбарларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматларининг ўзаро эътирофи бўлса, бошқа томондан, муносабатларни янада мустақкамлаш борасидаги умумий манфаатдорлик ва интилишларнинг ифодасидир.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустақкам ҳуқуқий асосга эга.

1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буюн ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро шартнома ва ҳуқуматлараро битимлар имзоланган.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда — парламентлар аъзоларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, қонун ижодкорлиги борасидаги ўзаро тажриба алмашиш яхши самаралар бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ таъсис этилди. 2012 йилда Ўзбекистон парламентида Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ташкил қилинди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам ва конструктив маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш борасида кўрсатаётган ёрдами, хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро коалициянинг иштирокчи давлатлари билан ҳамкорлигига юксак баҳо берди.

Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Латвиянинг ёндашуви ва позицияси ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия Президентлари савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар ҳам-

корлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, транспорт, жумладан, автомобилда ва халқаро ташувлар соҳасида, таълим, фан, қишлоқ хўжалиги, аккредитация ва метрология, ахборот технологиялари, туризм ва бошқа йўналишларда фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши учун барқарор шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган. Иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик, инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш борасида эришилган келишувлар амал қилмоқда.

Латвия — Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Энг кўп қулайлик яратиш тизими самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда қарийб 20 фоиз ўсиб, 246 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, бу кўрсаткич 126 миллион долларни ташкил этди.

Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта таласи, мотор мойлари, фармацевтика маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб беради. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса экспорт қилади, шунингдек, логистика хизмати кўрсатади.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик ривожланмоқда. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокидаги 22 корхона фаолият юритмоқда. Латвияда эса мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган қирқдан ортиқ корхона ишлаб турибди.



Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари навбатдаги йиғилишда «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Суд тизими фаолиятини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама этдилар.

Долзарб қонун лойиҳалари муҳокамаси

Йиғилишда таъкидланганидек, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг иштироки фаол бўлган, хусусан, фракция аъзолари томонидан билдирилган таклифлар лойиҳанинг у ёки бу моддасида ўз аскини топган.



Миллат кўзгуси

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Она тилимизнинг ўз тарихи, тараққиёт босқичи бор. Тилимиз асрлар бўйи сайқал топди, ривожланди, миллий тил, кейинчалик давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбек тили ривожда ўзбек халқининг, зиёлиларининг, буюк мутафаккирларининг ўз ўрни бор.



Ватан маҳалладан бошланади

«Сайлов-2013»

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да давлатимиз раҳбари томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, раислар ва маҳалла маслаҳатчиларини энг муносиб фуқаролар ичидан сайлаш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтириш, маҳалланинг аҳамияти ва ролини оширишни таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилган эди.



Қадриятлар эъзоз топган юрт

18 октябрь — Самарқанд шаҳри куни

Ҳар сафар хорижий сайёҳлар Самарқандга ташриф буюрганларида қадим шаҳарнинг улғувор қиёфасини ўзлари учун қайтадан кашф этган бўладилар. Бу гал ҳам Шарқнинг дурдонаси ҳисобланган боқий шаҳар минг-минглаб меҳмонларга меъморчиликнинг бетакрор чизгилари, обод қадамжолари билан пешвоз чиқмоқдаки, бу ўзгаришларнинг барчаси халқнинг турмуш фаровонлиги билан уйғунлашиб, янада кўркам манзара, мазмун-моҳият касб этмоқда.



Шаҳарнинг хунармандлар оилалари истиқомат қиладиган Заргарон ва Даҳбед кўчалари бош режа асосида тубдан қайта таъмирланди. Йўл ёқаларида чиройли турар-жой бинолари билан бир қаторда янги савдо, маиший хизмат ва хунармандчилик дўконлари барпо этилди. Афросиёб харобалари биқинидаги эски тегиримон текисланиб, унинг ўрнида салкам беш гектарлик зиёратгоҳ қайтадан барпо этилди, яшил хиёбонлар, дарахтзорлар, анҳору чархпалаклар бу маскан кўрқига кўрк қўшди.

Сартепа мавзеида барпо этилган саккизта янги кўп қаватли уй-жойларга эса яқинда уч юздан ортиқ ёш оила кўчиб кирди. Курилиш-ободончилик соҳасидаги ўзгаришлар ҳар кун рўй бериб турибди. Муҳими, Самарқандни кўркам ва ораста шаҳарга айлантиришда кексаю ёш, ҳар бир кишида зарур иштиёқ ва кўнимка пайдо бўлаётгани, шу тўғрисида муаззам маскан кун сайин ободонлашиб, яшариб бораётганидир.



«ОБУНА — 2014»

Қадрли юртдошлар!
Азиз муштарийлар!

«Adolat» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2014 йил учун обуна бошланди.

Обуна бўлинг!

«Adolat»нинг нашр индекси — 100

«Adolat» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



Сиёсат

Ўзбекистон — Латвия:

Ҳамкорликнинг янги босқичи

«Давоми. Боши 1-бетда»

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида транспорт, илмий-техникавий, туризм, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эришилаётган бундай улкан ютуқ ва марралар мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар, икки мамлакат ҳукуматлари ва ишбилармон доираларнинг доимий алоқаларининг муҳим самараларидир.

Ўзбекистон ва Латвия иқтисодий соҳасида улкан салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Томонлар бу имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Латвия тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириши мумкин бўлган йўналишлар кўп. Ўзбекистон компанияларининг жо-

рий йил сентябрь ойда ўтган «Riga Food — 2013» халқаро кўргазмасидаги иштироки натижалари ҳам бунга мисол бўла олади. Ушбу кўргазма якунларига кўра, Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини Латвия ва Европа мамлакатларига етказиб бериш бўйича 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги шартнома ва келишувлар имзоланди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши бўлган транспорт соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу асосий минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида мамлакатларимиздан амалдаги транспорт йўлақлари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо қилади.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, туризм, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон томони, шунинг-

дек, латвиялик ишбилармонларни туризм соҳасида ҳамкорликка жалб этиш, бу борада кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишга ҳам қизиқиш билдиришмоқда.

Латвия, умуман, Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолиси Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарларини яхши билади. Қадимий Мовароуннахрнинг сехрли олами, бой тарихи ва анъаналари барчани мафтун этиши табиий.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ригада бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Латвияда биргаликда бизнес-юртиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, Латвия логистика тармоқларидан Ўзбекистоннинг фойдаланишни кенгайтириш, Ўзбекистондан Латвияга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ишбилармон доираларнинг бевосита алоқалари мустах-

камланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Бу, хусусан, Болтиқбўйи бозорларини Европа Иттифоқининг барча талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда Латвияда сотилаётган Ўзбекистон маҳсулотлари кўп ҳолларда бевосита эмас, учинчи мамлакатлар орқали келтирилади. Бу уларнинг нархи ҳам салбий таъсир кўрсатаётди. Аслида, Ўзбекистон ўз озиқ-овқат товарларини нафақат Болтиқбўйи бозорларига, балки қуритилган мева ва полиз маҳсулотларини савдо флотига ҳам етказиб бериши мумкин. Бу, албатта, ишбилармон доираларнинг вазифаси. Томонлар икки мамлакат тадбиркорларини мазкур йўналишда иш олиб боришга жалб этишга келишиб олдилар. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар мавжуд. Энди гап тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишда.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил

ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида машҳур аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг, 2006 йилда улкан мутафаккир Абу Али ибн Синонинг ҳайкали ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, буюк аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалдаги яққол ифодаси бўлди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Бадий ва фото кўргазмалар, кино декадалари, концертлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг фольклор жамоалари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Хусусан, Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Латвияда ўқитган хоризмик талабалар сони бўйича бешинчи ўринда туради. Латвияда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Латвия Республикасининг Президентининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юқлар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исро Каримов Латвия Сеймига ташриф буюриб, Спикер Солвита Аболтина билан музокаралар ўтказди. Давлатимиз раҳбари Латвия парламенти фаолияти билан танишди. Суҳбат жараёнида парламентларо ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Исро Каримовнинг Латвия Бош вазири Валдис Домбровскис билан учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Исро Каримов Латвия Президентининг Андрис Берзиньш ҳамроҳида Озодлик монументи пойига гул қўйиб, Латвия озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исро Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Ушбу ташриф икки томонлама ҳамкорлик ривожига янада жадал сурият бахш этиши ва уни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Рига — Тошкент.

Долзарб қонун лойиҳалари

муҳокамаси

«Давоми. Боши 1-бетда»



Абдукамол РАҲМОНОВ,
фракция аъзоси:

— Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда судларнинг ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиши тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари суд тизими фаолиятининг самардорлигини таъминлашда муҳим омил бўлганини эътироф этиш жоиз. Ушбу ҳужжатлар суд ишларини мустақил юритиш, суд ходимларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш имконини беради.

Суд-ҳуқуқ соҳасига қаратилган юксак эътибор, айниқса, Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Чунонки, партия сайловда дастурида белгиланганидек, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш тарафдоридир. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг аҳамиятига шу нукта назардан ёндашдилар.

«Суд тизими фаолиятини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қо-



нун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси судлар мустақиллигини янада ошириш ва суд тизими ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтиришга доир тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этиш ишларини янада такомиллаштиришга қаратилган билан ҳам аҳамиятлидир.



Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
фракция аъзоси:

— Янги қонун лойиҳасига кўра, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳужалик судларининг судьялари жисмоний шахслар даражасидан олинган солик тўловидан озод қилинади. Судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича мақомини 25 ёшдан 30 ёшгача, юридик соҳада иш стажини уч

йилдан беш йилгача кўтариш тақлиф қилинмоқда. Судьялик лавозимига номзоднинг мажбурий ўқиши мобайнида унинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг сақлаб қолиниши ҳам ушбу лойиҳада ўз аксини топган. Демак, шу пайтгача айрим қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган судьялар учун ижтимоий кафолатлар биринчи марта қонун даражасида мустаҳкамланмоқда.

Қисқача айтганда, Мехнат ва Солиқ кодексларига, «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Нотариат тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунларга тақлиф этилган ўзгартиш ва қўшимчалар судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришга, судьялар корпусининг сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Кун тартибдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет сибсати устувор йўналишларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самардорлиги ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бюджет жараёнини тартибга солиш ҳамда амалдаги қарама-

қарши ва эскириб қолган меъёрларни бартараф қилувчи ягона қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш, шунингдек, амалда фойдаланишдаги ёки қўлланилаётган меъёрлар, турли хил низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштиришдан иборатдир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати амалга оширилаётган ислохотлар дастури доирасида ўз олдида таркибий ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли вазифаларни қўймоқда. Бу бир томондан сезиларли миқдорда молиявий ресурсларни талаб қилса, иккинчи томондан ушбу ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг самарали тизимининг жорий этилишини назарда тутди. Шу нукта назардан бюджет тизимини самарали, очик ва ошқара бошқариш мазкур вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим воситасига айланмоқда.

Бюджет кодекси лойиҳаси икки асосий қонун — «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрли-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норма ва қоидаларига асосланган бўлиб, у бевосита амал қилинадиган ҳужжат ҳисобланади. Бу қонунчилик базаси ва ушбу ҳужжатни ҳуқуқий қўллаш тизимининг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, бюджет жараёнини тартибга солинадиган ягона қонун ҳужжатини ишлаб чиқишда прогноз қилиш, бюд-

жет ижросини таъминлаш бўйича халқаро амалиётга мос услублар такомиллаштирилди.

Тақдим этилган Бюджет кодекси лойиҳасида бюджет тизими асослари, унинг тузилмаси, тамойиллари, ҳуқуқий муносабатлари, бюджет ваколатлари, бюджет жараёни ва бюджетлараро муносабатлар давлатдан қарз олиш асослари, бюджет ҳисоби ва ҳисоботи, бюджет ижросини назорат қилиш ва бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Бюджет кодекси лойиҳасида давлат мақсади жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари билан қамраб олинган, тушунчалар рўйхати кенгайтирилган ва бюджет маблағларининг манзилли ва мақсадли сарфланиши, бюджет маблағлари сарфланишининг натижавийлиги ва самардорлиги, газнанинг ягоналиги, жавобгарлик, очик-ойдинлик (ошкоралик) каби бюджет тизими тамойиллари қўшимча сифатида киритилди.

Бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилди, шунингдек, бюджетнинг ўрта муддатли режалаштириш механизмининг жорий қилишга замин яратилди, бюджет маблағлари олувчилар фаолияти натижалари билан бюджет харajatларини режалаштириш дастурий бюджетлаштириш элементлари киритилди.



Умид ЖУМАНИЕВОВ,
фракция аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини 2014 йил 1 январдан амалга киритиш ва 2014-2015 йиллар мобайнида Бюджет кодексида назарда тутилган меъёр ва қоидаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш билан бирга, унга белгиланган даврда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш тақлиф қилинмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловдаги платформасида

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш «Адолат» партиясидан сайланадиган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишига айланиши даркор.

...Шунингдек, қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловдаги дастуридан

партия бюджет тизими бошқарувининг самардорлиги, ҳисобдорлиги, очиклиги ва ошқоралигини кучайтиришга қаратилган ислохотларни ёқлаши, иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмийчилик унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори эканлиги белгиланган. Бу эса ушбу қонун лойиҳасини маъқуллашимизга тўла асос бўла олади.

Шу билан бирга, депутатлар биринчи ўқишда ҳавола этилаётган «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қабул қилиниши асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади қонунчилик ҳужжатларини янги кодекс билан мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Саккиз моддадан иборат ушбу қонун лойиҳасига асосан бир қатор қонун ҳужжатларига, хусусан, «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, шунингдек, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон

Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунларини амалга киритиш тўғрисидаги қарорлари, қонунларнинг айрим моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни ўз кучини йўқотган, деб топишни назарда тутди.

Маълумки шунингдек, «Хусусийлаштириш, монополиялар чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органининг ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Ийгилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгиланган олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илос САҲАТОВ,
«Адолат» мухбири

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Жамият тараққиётига таянч қатлам

Аёллар қаноти

Аёл — оила кўрки, жамият таянчи. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган фидойи замондошларимизга Ватан меҳри ва юрт қадрини уқтирган, эртанги келажакимиз ворисларини ҳақиқий ватанпарвар, мустақил юртнинг мард ўғлонлари қилиб ўстираётган мунис оналаримиз, азиз опа-сингилларимиз олдида таъзим қилсак арзийди.



Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўзининг партиявий-сиёсий позициясини амалга оширишда аёлларнинг жамият ҳаётидаги ва партия ишидаги фаоллигини ошириб бориш, фаол, ташаббускор аёлларни доим қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аёлнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун кўмаклашиш каби қатор эзгу ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» фаолларининг навбатдаги давра суҳбати «Аёлларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини оширишда «Аёллар қаноти» олдида турган долзарб вазифалар» мавзусига бағишланди. Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақ-

сад жамиятнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган фаол, фидойи аёллар қаторида, оилада бола тарбияси ва уй меҳнати билан шуғулланаётган аёлларнинг маънавий ва сиёсий дунёқарашларини кенгайтириш, уларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини оширишга партия «Аёллар қаноти» фаолларининг эътиборини қўйиб келиши бўлди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгаши «Аёллар қаноти» раиси М.Қабуллова «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг оилалар моддий таъминотидаги ва аёлларни иш билан таъминлашдаги аҳамияти» тўғрисида маъруза қилди. Маърузада таъкидланган-

нидек, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун азал-азалдан момомерос уй меҳнати — зардўзлик ва касаначилик, дўппидўзлик билан шуғулланиб келаётган кўлигул хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси вазифасини ўташи аниқ.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Нукус шаҳар кенгаши депутати Г.Сугралиева, 16-сонли мактаб қошидаги БПТ раиси, «Аёллар қаноти» фаоли Г.Бекбергеновалар ушбу қонуннинг аёллар ижтимоий ҳимоясидаги аҳамияти тўғрисида маҳаллаларда кўпроқ тарғибот ишларини олиб бориш лозимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Р.Абдреймов аёллар маънавий дунёқарашини юксалтиришнинг болалар тарбиясидаги аҳамияти тўғрисида ўз фикр мулоҳазаларини билдирар экан, келажакимиз ворисларининг ўз қизиқишлари юзасидан оилада кўпроқ оналарига мурожаат қилишларини ҳисобга олган ҳолда, биз доим оилада бола тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашини юксалтириш масаласига ҳам эътибор қаратишимиз лозим, деб таъкидлади.

Ўзаро баҳс-мунозараларга бой, эркин ва самимий руҳда бўлиб ўтган, меҳри дарё, қалби кенг, оила кўрки, жамият таянчи ҳисобланган аёлларимиз ижтимоий ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга бу каби давра суҳбатлари аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишда қўл келишига шубҳа йўқ.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби

Фаолият

Ўзбекистон «Адолат» СДП Миришкор туман кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан ёшларнинг бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида «Биз ҳеч кимдан кам эмасиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз», «Ёшлар — Ватанимиз пойдевори», «Юксак маънавият — муваффақият мезони», «Озод элнинг бахтли ёшларимиз» каби мавзуларда семинар-тренинг, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.



“Ёш адолатчилар”

ҳамкор ташкилотлар билан фаолият юритишнинг афзалликларини амалда намоён этмоқдалар

Жейнов саноат касб-ҳунар коллежида «Ёшларни ишга жойлаштириш, оилавий бизнесни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш каби алоҳида соҳалардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида ташкил этилган учрашув ҳам ёшларга тўғри йўналиш бериш билан бирга, уларнинг сиёсий партияларга бўлган қизиқишини ҳам оширди. Тадбирда партия фаоллари, маҳалла аҳли, ёшлар билан биргаликда туман бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари, банк мутасаддилари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда Президентимизнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифалар хусусида сўз борди. Унда кун тартибидagi масала юзасидан маъруза қилган партиянинг туман кенгаши раиси Саодат Очилова сессиянинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиди. Юртбошимизнинг маърузасида илгари сурилган гоялар, мақсад ва вазифалар хусусида атрафлича сўз юритди. Ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида эътироф этилди.



— Туман партия кенгаши ёшларнинг барча жабҳалардаги ислохотларда кенг ва фаол иштирокини таъминлаш, жамиятда кечаятган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш туйғусини шакллантириш мақсадида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда, — деди С.Очилова. — Айниқса, таълим муассасаларини битириб чиқаятган ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб вазифадир. Ана шундай долзарб вазифани чуқур ҳис этган ҳолда, фаоллар билан биргаликда тумандаги қорхона ва ташкилотлар иштирокида меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Жойларда уюштирилган тадбирларимизда салоҳиятли ёшларни қўллаб-қув-

ватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий жараёнларда келажакимиз ворисларининг иштироки ва фаоллигини кучайтириш борасида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

— «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи» мавзусида ташкил этилаётган тадбирларимиз орқали ёшларга тўғри йўналиш берилаётганлиги боис 60 нафар хунарманд, ишбилармон аъзоларимиз шу йил ўз тадбиркорликларини йўлга қўйиб олдилар, — деди партиянинг туман кенгаши ҳузуридаги «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Мафтуна Бекмуродова. — Энг муҳими, туманимиздаги бир қатор масъул идоралар билан биргаликда иш олиб бораётганимиз туйғусини аниқ мақсадга эришяпмиз. Партияимизга қизиқувчилар кўпаймоқда. Ҳозирда «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари сони 250 нафарни ташкил этаётган бўлса, хайрихоҳларимиз сони эса ундан ҳам кўп.

Учрашувда «Маҳалла» жамғармаси вакили Баҳодир Маҳманазаров, коллеж директори Эркин Эгамбердиев, БПТ раиси Улуғбек Худойбердиев ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, ёш авлод онгига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот-

лар самарасини сингдириш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий ўзлигини англашда ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлигини қайд этишди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлари, фикр-мулоҳазалари билан фаоллик кўрсатишди.

— «Адолат» СДПнинг гоя ва мақсадлари, амалга ошираётган ишлари билан танишман, — деди тадбирда катнашган фаол ёшлардан бири Гулзода Узоқова. — Партия ҳамма вақт биз ёшларни қўллаб-қувватлайди. Бугун бунинг яна бир қарра гувоҳи бўлдим. «Ёш адолатчилар» қанотининг саъй-ҳаракати билан уюштирилган тадбир боис тадбиркорлик соҳасидаги билимларим кенгайди ва банк кредитлари қандай тартибда ажратилиши юзасидан аниқ тушунчага эга бўлдим.

Шунингдек, учрашувда «Ёш адолатчилар» қаноти аъзоларининг ҳуқуқий савиясини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда партия ташкилотлари олдидаги муҳим вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

Кучли тарғиботчилар тайёрлаш — долзарб вазифа

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлимига билан ҳамкорликда «Партия позициясини мустаҳкамлаш ва партиявий фаолиятни кучайтириш йўллари» мавзусида сиёсий ўқиш ўтказилди.



Партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш Дастурига мувофиқ ўтказилган мазкур ўқувда асосий эътибор кадрлар захирасини иқтидорли ёшлар билан бойитиш, давлат ҳокимияти вакиллик органларида ишлашга қодир, сиёсий баҳс-мунозараларга профессионал жиҳатдан тайёр, ўз фаолиятида замонавий технологиялар ва иш услубларини қўллаётган кадрларни танлаш масаласига қаратилди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани фаолларимизни, айниқса, ёшларни кўппартиявийлик шароитида самарали иш олиб бориш, ҳокимият органлари ва бошқарув фаолиятини шакллантиришда иштирок этишга тайёрлашни тақозо этади.

Сиёсий ўқувда депутатлик гуруҳлари билан ишлашни самарали ташкил этиш, уларнинг халқ депутатлари

Кенгашларидаги фаолиятини кучайтириш, электорат ва партия тузилмалари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, депутатлар томонидан ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларнинг мақбул ечимларини топиш ва тегишли маҳаллий бошқарув идоралари билан уларни ҳал этиш бўйича йўналишлар белгилашга асосий эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ваколати доирасида партия электоратининг ижтимоий манфаатларини олиб бориш, ҳокимият органлари ва бошқарув ечимини бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва партия фаолиятини янада жонлантиришда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ролини ошириш бўйича самарали фаолиятни ташкил этиш муҳим

аҳамият касб этади.

— Агар бор куч-ғайратимиз, сиёсий тақрибамизни ишга солиб, дастурий мақсадларимизни аҳоли, тарафдорларимиз орасида кенг-роқ тарғиб қилмоқчи бўлсак, кучли тарғиботчилар тайёрлаш масаласи долзарб эканлигини англаб етамиз. Бу эса туман кенгашлари раҳбарлари ва жойлардаги депутатларнинг партия ишига бўлган масъулиятини янада оширишни талаб этади, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши раиси ўринбосари А.Асханов.

Шунингдек, навбатдаги сайловларга тайёргарлик ишлари, бўлажак сайловларда партия номидан иштирок этадиган номзодларда партия позициясини мустаҳкамлаш йўллари ва уларнинг фаол иштирокини таъминлашга талаб ошаётганига ҳам эътибор қаратилди. Бу борада тақрибали партия етакчилари ва мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Сиёсий ўқиш якунида партия етакчилари томонидан партия фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ақбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот котиби

Давра суҳбати

Ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва миллий қонунчилигимиздаги ўзгаришлардан доимий боҳабар қилиб бориш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бирламчи омилларидан саналади.

Дахлдорлик ва фаоллик — бугунги ёшлар олдидаги бирламчи талаб

Бу борада давлат органлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилган бўлиб, уларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти янада кўпроқ самара бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Сергели тумани партия кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг конституциявий асослари» мавзусидаги давра суҳбати ҳам ана шундай ҳамкорлик натижасидир.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Тошкент шаҳар партия Кенгаши фаоллари, «Камолот» ЁИХ Сергели тумани кенгаши аъзолари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларга мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил этиш механизмларини тақлиф этиш, ҳуқуқий асосларини очиб бериш, сиё-

денциялари атрафлича таҳлил этилди.

Бундан ташқари, давра суҳбатида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг дастурий гоя ва мафқуралари, парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги фаолияти хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

Тадбирда иштирок этган ёшлар асосан миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қизиқиб, депутатлар билан яқиндан суҳбатлашдилар.

Савол-жавобларга бой бўлган давра суҳбати якунида шу каби тадбирларни, депутатлар ва ёшлар учрашувларини янада кўпроқ ташкил этишга келишиб олинди.

Бобур ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби



Ижтимоий ҳаёт

Қонунчилик ижроси ўрганилди

Қўмиталарда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижросининг Интеллектуал мулк агентлиги тизимида ижро этилиши юзасидан 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган қўмита қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Қўмита аъзолари, Интеллектуал мулк агентлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар технологиялари Давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идораларнинг вакиллари иштирок этган тадбирда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтиролар, илмий-техника ва саноат ишлаб чиқариш ютуқларини кенг жорий этишга қўмаклашиш чораларини кучайтириш, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқига эгаллик қилувчилар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бериш, уларнинг ҳуқуқий савод-

хонлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни кучайтириш каби масалалар муҳокамалар марказида бўлди.

Қайд этилганидек, миллий иқтисодийнинг инновацион ривожини ҳамда мамлакатнинг интеллектуал ишлаб чиқаришини таъминлашда "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳим қонунчилик базаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур қонунлар ижроси-



ни таъминлаш, хусусан, интеграл микросхемалар топологияларини ҳамда ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича мамлакатимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтиролар, бадий-конструкторлик ва ижодий ишларнинг бошқа турларини кенг жорий этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ихтирочиликни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий-техника-

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, муҳофаза қилинадиган барча интеллектуал мулк объектларини бериш учун талабномалар тақдим этишда зарур бўлган аризаларнинг шакллари, патент божлари ҳақидаги ва бошқа долзарб ахборотлар жойлаштирилган.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан Президентимизнинг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ишлаб чиқаришнинг мазкур соҳаларини қўллаб-қувватлашнинг асоси эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қарор республикамизда ахборот-коммуникация технологияларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқариш халқаро стандартларга мос равишда янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардор дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича миллий дастурчиларни рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорда ушбу маҳсулотларнинг сотилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим дастуриламалдир.

ларини билдирдилар.

— Муҳокама этилаётган мазмув партиямиз сиёсий платформасидаги устувор ғояларга тўла ҳамоҳангдир, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова. — Яъни, партия-миз республикада "миллий инновация тизими"ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратади. Негаки, бу яқин истиқболда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татиб-қилиш этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади.

Шу маънода, интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик талабларининг аниқ ижро этилиши иқтисодий таъминотни таркибий қайта қуриш, уни модернизациялаштириш, ишлаб чиқаришни техника ва технология қайта жиҳозлаш бўйича чораларни амалга ошириш, миллий иқтисодий фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига таянишни таъминлаш, иқтисодий жараёнлар ва илгор инновацион фикрлашнинг тарбияловчи таъминоти самарали бошқариш учун имкон яратади.

Зафар ТАНГИРОВ,
2-Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси

Миллат кўзгуси


21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Тил миллатнинг ўзлигини номоён этувчи, маънавий қиёфасини белгиловчи, давлатнинг тарихи ва келгуси тараққиёт босқичларини ифодаловчи муҳим воситалардандир. 1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. ЎзМУ профессори, филология фанлари доктори Зулхумор Холмонова билан "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг тилимиз ривожидан тугган ўрни, унинг софлигини сақлаш, бойитиш бўйича эришилган ютуқ ва йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида суҳбатлашдик.

— Она тилимизнинг ўз тарихи, тараққиёт босқичи бор. Тилимиз асрлар бўйи сайқал топди, ривожланди, миллий тил, кейинчалик, давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбек тили ривожидан ўзбек халқининг, зиёлиларининг, буюк мутафаккирларининг ўз ўрни бор. Юсуф Хос Ҳожиб араб тили илмий тил, форс-тожик тили расмий тил ҳисобланган, туркий тил (ўзбек тили) эса эътиборсиз қолган бир даврда туркий тилдаги илк бадий дoston — "Кутадгу билиг"ни яратди. Махмуд Қошғарий туркий тилини "араб тили билан икки улоқчи отдай тенглашиб, ундан ўзиб бораётган" тил сифатида фахр билан эътироф этди. Алишер Навоий туркий тил имкониятларини ҳам назарий жиҳатдан асослади — муҳим илмий қийматга эга бўлган "Муҳокамат ул-луғатайн" асарини яратди; ҳам амалий жиҳатдан исботлади — асарларнинг тўқсон фоизини шу тилда битди. Алишер Навоий туркий тилларнинг ўзига хослигини, кенг имкониятларга эга эканлигини, туркий сўзларнинг услубий бўёқдорлигини назарий маълумотлар асосида бойитди. XX аср бошларида Фитрат туркий тилини "дунёдаги энг бой тил" деб таърифлади; бу билан унинг кенг имкониятларини эътироф этди; "дунёдаги энг камбағал тил" дея қуонди — унинг эътиборсиз қолганига ачинади. Абдулла Авлоний "Ҳифзи лисон деб ҳар миллатнинг ўз она тилини асрамоғини айтилур" дея биринчилардан бўлиб "тил муҳофазаси" масаласини кўтариб чиқди. Шундай экан, ўзбек миллатига мансуб ҳар бир шахс, аввало, мутахассислар, зиёлилар, айниқса, ёзувчилар ўзбек тилига, мустақил республиканинг давлат тилига алоҳида эътибор билан ёндашишлари зарур ва шарт.

— Қабул қилинганга давлат чорак аср бўлган "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг тилимиз ривожидан тугган ўрни ҳақида гапирсангиз?

— Ўзбек тилига давлат тили



мақоми берилиши миллатимиз ҳаётидаги буюк воқеа. "Давлат тили ҳақида"ги қонун ўзбек тилининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Бу ўзбек тили тараққиётида муҳим ҳодиса эди. Ўзбек тили ҳуқуқий асосларининг яратилиши миллий тил тараққиётининг кейинги ривожланиш босқичларини белгилаб берди. Тилимизнинг маъкеи юксалди. Тилга муносабат, тилга эътибор, тилга ҳурмат туйғулари янада турғунлашди. Ўзбекистон фуқаролари онгда "давлат тили", унга амал қилиш талаблари ҳақидаги эътироф шаклланди. Давлат тилига амал қилиш ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санага 24 йил тўлди. Утган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилди. Тилимизнинг ижтимоий функцияси кенгайди. Бу тилининг алоқа-муносабат, ҳиссий таъсир, тўллаш вазифалари билан бир қаторда тафаккурни ривожлантирувчи, аниқ фан доирасидаги, ишлаб чиқариш тармоқларидаги янгиликларни ифода этиш хусусияти тақомиллашди.

Миллий тилни эъзозлаш, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш давр та-

лабига айланмоқда.

Этимологик ва ҳиёсий луғатлар нашр этиш, зарур термин ва тушунчалар, иборалар изоҳини яратиш йўлга қўйилмоқда.

Ўзбек тилининг маъкеини кўтаришга, уни тақомиллаштиришга қараб қиладиган тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек тилининг 5 жиллик изоҳли луғати тузилди. Тилшуносликнинг янги йўналишларида тадқиқотлар яратилди. Тилнинг ижтимоий қиймати, тил ва жамият муносабатини ёритувчи социолингвистика, нутқ жараёнининг психик табиати, нутқнинг реаллашувига қадар бўла-



диган жараён ҳақида баҳс юртувчи психолингвистика, тилининг маданий қиймати, тилда халқ дунёқараши, маданияти, урф-одат, анъаналари ифодасини таҳлил қилувчи лингвокультурология, тилининг глобаллашув жараёнига мос ҳолда тақомиллашувига хизмат қиладиган компьютер лингвистика соҳаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилди. Тез суръатларда ривожланиб бораётган жамиятга хизмат қилувчи тезкор ахборот услубини шакллантириш, ўзбек тилидаги таржима, автоматик таҳрир дастурларини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Энг муҳими, халқ онгда "давлат тили" тушунчаси, "давлат тили"га ҳурмат руҳи, тилга миллий қадрият сифатидаги муносабат шаклланди.

— Ўзбек тили давлат тили мақоми олган, тилимизнинг маъкеи, қўлланиш доираси, нуфузи тақомиллашди. Уни янада бойитиш, тақомиллаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— "Давлат тили ҳақида"ги қонун имло қоидалари ва адабий тил меъёрларига амал қилишни талаб этади. Давлат тили мақоми тақомиллаштириш, маъкеини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Жумладан:

- 1) кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш

лозим.

- 2) ташқи ёзув ва рекламалар матни кенг қўллаш, зарур термин ва тушунчалар, иборалар изоҳини яратиш йўлга қўйилмоқда.
- 3) хорижий тилдаги реклама матнларини ўзбек тилига ўтирганда сўзма-сўз таржимага эмас, асосан, мазмунга эътибор қаратиш лозим.
- 4) "Давлат тили ҳақида"ги қонун имло қоидалари ва адабий тил меъёрларига риоя қилишни талаб этади. Бу қоидаларга амал қилинмаган ҳолларда маълум чора-тадбирлар кўриш зарур.
- 5) маҳсулотлардаги ёзувлар, жойлардаги таништирув матнлари маълумот бериш ва маҳсулот тарғиботи учунгина эмас, балки миллий тил имкониятларини акс эттириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилмоғи керак.

— Қўлга киритилган ютуқлар қаторида тилимиз софлигига таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам учраб турибдими?

— Ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам эътироф этиш жоиз. Нуқсонларнинг асосий фоизи ташқи ёзувларга, реклама матнлари билан боғлиқ.

Реклама матнлари, эълонларнинг мақсадга мувофиқ кўринишлари кўп. Бу матнлар маълумот бериш, тарғибот, ташвиқот билан бир қаторда ўзбек тилининг имкониятларини ҳам ёритишга хизмат қилмоқда. Бундай матнлар билан бир қаторда ўзбек тили меъёрларига мос келмайдиган ўринлар ҳам кузатилади, бу ҳолат қўлга киритилаётган ютуқларга сўя солиб турибди.

Бу ҳатолар, биринчидан, миллий қадриятларимизнинг юзи ҳисобланмиш тил меъёрларини бузиш, давлат тили ҳақидаги қонун талабларига амал қилмаслик ҳисобланади. Иккинчидан, бундай ҳатоларга йўл қўйиш ёшлар саводхонлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Булardan ташқари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик уюшмаларини номлашда хорижий тил сўзларига меъёрдан ортқ даражада кенг ўрин берилмоқда. Бу ҳолат шаҳар ва кўчалардаги миллий тил ифодасига сўя солиб турибди.

— Халқимизда тил билган — эл биллади, деган нақл бор. Хусусан, бугунги кунда ёшларимизнинг чет тилларини ўрганишга бўлган иштиёқи тобора ортмоқда. Тил билиш имконияти нафақат бошқа миллат ва элат урф-одатлари, турмуш тарзи, уларнинг маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишишда асқотади, балки мустақил юртимизда амалга

оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, спортда ёки бошқа ижтимоий-маданий ҳаётда эришилаётган ютуқлар, шунингдек, расм-русумларимиз ва шу сингарилари бошқа миллат вакиллари ўртасида тарғиб қилишда ҳам керак бўлади.

— Бунинг учун ёшларнинг таълим олиши, билим даражасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугунги таълим жараёнида ёшларга китоб ўқиш, бадий асарларни мутолаа қилиш, ёзма нутқ кўникмаларини эгаллаш фикр ўстиришнинг асосий воситаларидан эканлигини, тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилишини, буларсиз ҳар томонлама етук мутахассис бўлиш мумкин эмаслигини ҳам ўқитиш лозим бўлади. Ёзма нутқни шакллантиришга қаратилган топшириқлар, илмий ва бадий адабиётни мутолаа қилишга йўналтирилган тадбирларни бевосита таълим жараёнида қўллаш лозим.

Ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиши — давр талаби. Лекин, шунинг таъкидлаш лозимки, хорижий тилларни ўрганиш миллий тилни эъзозлаш, унинг қадр-қийматини англаш, имкониятларидан фойдаланиш асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ.

— Баъзан ойнаи жаҳон орқали қилаётган бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида сўзлашишни кўриб дилинг қувнайди.

— Бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида гапиришлари ёқимли. Бу ҳолда қандайдир фахр туйғусини уйғотади. Инсон ўз миллий тилига қанчалик ҳурмат билан ёндашса, бошқалар ҳам унга шу тарзда муносабатда бўлади. Ҳозирги вақтда ўзбек тилида бемалол гапира оладиган хорижий ёшлар сифи кўпаймоқда. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётган чет эллик талабаларнинг ўзбек тилида равон сўзлашиши қалбларда гурур-ифтихор уйғотади. Гуруримиз, қадриятимиз ўзбек тилидир. Ўзбек тили — ўзбек эли демокдир. Ўзбек тили — Ўзбекистон демокдир. Шундай экан, тилимизни, элимизни асраб-авайлайлик, азизлар.

Умуман олганда, ўзбек тилининг ҳозирги ҳолати, келгуси тақдирини ўқиб барчамиз масъулмиз. Бу масъуллик аждодлар олдидаги қарзимиз, авлодлар олдидаги бурчимизни белгилаб беради.

Адолат тарозиси

Иймони суст одамни шайтон турли кўйга солиб, ақлу онгини парчалайди. Шайтон васвасига учган одам эса охир-оқибат жиноятга қўл уради. Афсуслар бўлсинки, ана шундай нусхалар жамиятимизда учраб туради.

Қора қилмишлар исканжаси

уни яна ўз домига тортди



Яқинда уругтулик Аҳат Қаҳҳоровга Нукус шаҳар судини очик суд мажлисида қонун олдида жавоб беришига таъри келди. Уругтулик М.Аматкулов кўчаси, 17-уйда яшаб, ҳеч қаерда ишламай, оиласини, уч нафар фарзандини ҳалол лўкма билан боқиш ўрнига гиёҳвандлик воситалари сотиш билан шугулланган бу кимса 2005 йилнинг бошида ҳам Қашқадарё вилоятининг Нишон туман суди томонидан ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан етти йилга муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Аммо Аҳат Қаҳҳоров шундан кейин ҳам тегишли ҳулоса қилмади. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, яна қилмишлар исканжаси домга тушди. Алишер исмли тумандошидан (тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмади) соф вазни 50 грамм героин гиёҳвандлик воситаси ва баҳоси 350.000 сўм бўлган тилда жанжир сотиб олиб, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида истикомат қилувчи Муҳаббат Низамедова билан яна бир Замира исмли шахсга героин гиёҳвандлик воситасининг ўзини 750.000 сўмга пуллади.

Қора қилмиш исканжаси Аҳатни ўз домига тобора тортаверди. У яна Алишернинг ҳузурига борди ва гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида соф вазни 70 грамм захри қотилини 1050.000

сўмга сотиб олди. Буни ҳам тўрткўллик таниш харидорларига пуллаб улгурди. Нафси зўриққанидан зўриқиб, Алишернинг оғирлиги 185 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини Муҳаббат Низамедовага 2.225.000 сўмга сотди...

Одамнинг нафси ҳақалак отмасин экан. Ҳақалак отдики, бир кунмас бир кун ҳаммаси учун жамият, қонун, адолат олдида жавоб беришига тўри келади. Аҳат Қаҳҳоров билан ҳам шундай бўлди. У қонунларимизда назарда тутилган жазони олди: 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазо қаттиқ тартиб-ишорада ўтказиладиган бўлди. Бу бири-бирдан ширин уч нафар фарзанд учун нечоғли оғир эканлигини тасаввур қилиб кўринг...

Хулоса шунки, азиз газетхон, гиёҳвандлик воситаларини сотишни мақсад қилган одам жиноят содир этаётганлигини, қонунга хилоф равишда хатти-ҳаракат қилаётганлигини англамоғи керак. Зеро, шайтон ҳам иймони суст одамларнигина турли кўйларга солади, жиноятга бошлайди. Адолатли жамиятимиз ва адолатли қонунларимиз эса бунга ҳеч қачон йўл бермайди.

Феруз АШУРОВ,
Нукус шаҳар прокурори ўринбосари,
1-даражали юрист

Саодат СОДИҚОВА
суҳбатлашди.

Фуқаролар мурожаати билан боғлиқ

ҳуқуқий ҳужжатлар электрот муҳокамасида

Фракция ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда фракция аъзолари, вазирликлар, Олий суд ҳузурдаги тадқиқот маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этдилар.

Маълумки, Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ўзининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, муҳокамага киритилган қонун лойиҳалари устида ишлаш жараёнида партия дастурий ҳужжатлари билан боғлиқ, ўз электроти хисобланган ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалаш, қонун лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш ва тегишли тақлиф-тавсиялар олиш амалиётинан кенг фойдаланиб келмоқда. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ҳам соғлиқни сақлаш тизими ходимларига «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларнинг тақлиф-мулоҳазаларини йиғиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мурожаатларга оид шаклланиш амалиёт ва замонавий тенденциялар билан таништириш ҳамда олинган ҳулосаларни фракция қошида тузилган махсус ишчи гуруҳига тақдим этишга қаратилган.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов давлат органлари томонидан фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва ҳал этиш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. У ижтимоий аҳамиятга моллик ушбу масала Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси дастурий ҳужжатларида ўз аксини топганлиги, ҳуқуқсиз, ўз сайловолди дастурида партия бундан буён ҳам ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ҳолатини илгари суришини қайд этди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП-нинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси К.Ҳамидова «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси маз-

мун-моҳияти хусусида сўз юритар экан, республикамизда фуқароларнинг мурожаати институти мавжуд бўлиб, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилганлигини, жумладан, Конституциямизнинг бир қатор моддаларида бу муҳим масала ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлади.

— «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда куйидаги бир қатор янги нормалар ўз аксини топмоқда, — дейди К.Ҳамидова. — Биринчидан, юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирish; иккинчидан, мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ кенг тарқалган мурожаат сифатида «электрон мурожаат» турининг ҳуқуқий мустақамланиши қонун лойиҳасининг муҳим янгилигидир; учинчидан, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулиятлари оширилган; тўртинчидан, амалиётда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилган, таъриф берилган ва уларни қўриб чиқишнинг тартиби белгиланмоқда ва бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни қўриб чиқишда ҳуқуқий қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имкони беради.

Қонун лойиҳасининг номи амалдаги қонунга нисбатан

бирмунча ўзгартирилган ва кенгайтирилган. Бунда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илғор жиҳатларига эътибор берилган. Лойиҳада янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номланиши мақбул деб топилган.

Қонун лойиҳасида «электрон мурожаат» механизми мустақамлаб қўйлаётгани Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди платформасига тўла уйғун эканлиги қайд этилди. Ушбу норма фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатлари институтида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга имкон яратди. Натичада вақт, масофа, ортқиқ харажатлар ва бошқа ресурслар тежалди.

Маълумки, ҳозир давлат хизматларининг ягона портали ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бир қатор органларига тегишли сайтлар ривожлантириб борилаяпти. Улар электрон мурожаатларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради. Қолаверса, мурожаатларга нисбатан муносабат билдириш самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш, бу жараёнда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш учун қонун лойиҳасига қўшимча механизмларни киритиш зарур. Чунинчи, унда оғзаки мурожаатларни қўриш тартиби бўлса-да, уларни ҳал этиш механизминини аниқ қўрсатиш лозим.

Тадбирда сўз олган фракция аъзолари томонидан ушбу қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қўриб чиқиш-

да қонунийлик ҳамда қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизmlарини яратишга хизмат қилиши таъкидланди. Ҳуқуқсиз, фракция аъзолари Қ.Жўраев, А.Раҳмонов ва З.Ботировалар янги қонун лойиҳанинг айрим моддалари ҳақида алоҳида сўз юритиб, электрон мурожаатларини қўриб чиқиш борасидаги халқаро қонунчилик, мурожаатларнинг ижроси устидан назорат каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Давра суҳбатида шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мурожаатларга оид шаклланиш амалиёт ва замонавий тенденциялар хусусида ҳам атрофича сўз юритилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юридик хизмат бошлиғи Бахтиёр Хожихонов мамлакатимизда аҳоли учун соғлиқни сақлаш тизимида яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиш борасида тушаётган ариза ва шикоятлар ҳамда уларни қўриб чиқишда йўл қўйилган тажрибалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, кўтарилган масала юзасидан Адлия вазирлиги, Республика Бош прокуратураси, Олий суд ва бошқа давлат органлари вакиллари ҳам фикр-мулоҳазалари тингланди. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг айрим бандлари юзасидан иштирокчилардан аниқ тақлифлар олинди. Фракция аъзолари эса уларни умумлаштириб, қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида уларни ҳисобга олишга келишиб олишди.

Илос САХАТОВ, «Адолат» мухбири



Қадриятлар эъзоз топган юрт

Давоми. Боши 1-бетда

Эътибор беринг, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Самарқандда туризм сервисини ривожлантиришга оид 115 та лойиҳа амалга оширилди. Натичада сайёҳларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар, базмоҳлар тармоғи сезиларли даражада кенгайтирилди, янги, шинам автокемпинглар пайдо бўлди.

Шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий ривожлантириш бўлими мутахассисларидан олинган маълумотларга қараганда, шу йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати 43,5 млн. АҚШ доллари ҳисобидаги сармоя эвазига 56 та саноат корхонаси модернизация қилинди. Натичада ички ва ташқи бозор учун рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилди, шунга қўшимча равишда 8650 та янги иш ўринлари барпо этилди. Бу аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги сайёҳаракатлардан далолатдир.

— Бир неча кун илгари Самарқанднинг маданий тарихига оид янги экспозициялар билан Лондонда ўтказилган йirik халқаро кўргазмада иштирок этиб қайтдим, — дейди вилоят бирлашган тарихий-меъ-

морий ва бадий музей кўрик-хонаси раҳбари, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоев. — Унда намойиш этган топилмаларимиз жаҳон тарихчи-археологларининг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Кўҳна шаҳарнинг қадимий тарихи ҳақида гап кетганда неча асрлар муқаддам жаҳонда машҳур ҳисобланган, Буюк Ипақ йўли бўйлаб кўплаб мамлакатларга тарқатилган нафис, сержило Самарқанд қозғола қайтадан ишлаб чиқарилаётганлиги ва бу ташаббус ЮНЕСКОнинг назарига тушиб, зарур даражада қўллаб-қувватланаётганлигини таъкидламоқ жоиздир. Демак, Самарқандда ўтмиш қадриятлари қайтадан қадр топмоқда. Замонавий меъморчиликка оид изланишлар, қурилиш-ободончиликлар эса шаҳарни янада кўркам, жозибали, сайёҳлар эътиборини тортадиган гўзал масканга айлантиришга, шаҳарликларнинг турмуш маданиятини юксалтиришга туртки бермоқда.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ, «Адолат» мухбири

Суратларда: қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг бунёдкорлари ва кўркам манзаралари. Муаллиф олинган суратлар.

Ватан маҳалладан бошланади

Давоми. Боши 1-бетда

Ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги ва мутахассислар томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиш ва сайлов тўғрисидаги муҳим ҳужжатлар янада такомиллаштирилиб, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунлар янги тахрирда қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қонунларга киритилган янги нормаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш билан бирга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш соҳасидаги ваколатлар берилди.

Бугун Навоий вилоятининг овулу қишлоқларида қай бир маҳаллага борманг, албатта, ўша манзилларда улкан ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини, кенг қўламадаги яратувчанлик шукҳини, бахтиёр ҳаёт завқидан баҳраманд бўлган одамлар шижоатини кўрасиз. Улар овоз ва обод Ватанимизда дорилмон кунларга шукрона айтиб, юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги, фарзандлар камоли, аҳоли ҳамжихатлиги ва улкан орзу-мақсадлар йўлида умрғузаронлик қилаётганлигидан қалбингиз ғурурга тўлади.

Бугунги кунда вилоятда жами 340 та фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларнинг 3 тасини шаҳарча, 42 тасини қишлоқ, 16 тасини овул ҳамда 279 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади.

Дарҳақиқат, ҳар бири маҳалланинг нуфузи, обрўси ҳалқ томонидан сайланган раиснинг юксак салоҳияти, эл-юрт ўртасидаги обрўси, катта ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шундай раиси бор эл, албатта, энг баракали элдор. Негаки, бундай урдабурон эл-бошилар ҳалқ билан ҳамжихат шу азиз Ватанини раванқ топтиришни ўзларининг фахри, деб биладилар. Шунинг учун ҳам маҳалла раиси ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Мустақиллик йилларининг дастлабки давридан бошлаб мамлакатимизда маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда улар ҳуқуқларини қонуний қафолатлаш мақсадида, қисқа даврда мустақам қонунчилик базаси яратилди. Ана шулардан бири — маҳаллалар раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюшқоқлик, ошқоралик ва адолатлилик тамойиллари асосида ўтказишни белгилайдиган қатор қонун ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси, ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида фуқаролар йиғинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилган.

Маълумки, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг жорий



йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ташаббусчи қўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси ва унинг маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари тугаши билан жорий йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши белгиланди.

Бу борада вилоятимизда ҳам бир қатор ташкилий чоралар тадбирлар амалга оширилиб, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг жорий йил 20 сентябрда ўтказилган навбатдаги XXIII сессиясининг 172-сонли қарори билан маҳаллий Кенгаш ҳузурда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси тузилиб, Кенгашнинг шу масалага оид 23 банддан иборат тадбирлар режаси тасдиқланди.

— Олдимизда турган долзарб вазифа — фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайловини олдинги сайловларда ортирилган тажрибага асосланиб, уюшқоқлик ва юқори савияда

ҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари биринчи навбатда эл орасида юксак обрўга эга бўлган, ҳалқ ишончини оқлаган, ўз маҳалласи тараққиёти учун фидоийлик кўрсата оладиган, бошқаларга нисбатан ўрнак бўла оладиган кишилар орасидан сайланиши лозим.

Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловини демократик ва ошқоралик руҳида ўтказилишини таъминлашимиз, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принципларига амал қилиниши зарур бўлади. Бу борада, албатта, кенг қўламадаги тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида 340 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 3600 нафардан ортқиқ маслаҳатчилари сайланиши кутилмоқда.

— Олдимизда турган долзарб вазифа — фуқаролар йиғини раислари ва унинг маслаҳатчилари сайловини олдинги сайловларда ортирилган тажрибага асосланиб, уюшқоқлик ва юқори савияда

ташқил этишдир. Бунинг учун вилоятимизда барча куч ва имкониятлар етарли. Жумладан, шу кунгача ҳалқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг навбатдаги сессиялари ва вакиллик йиғилишлари кун тартибларида сайловга оид зарурий ҳужжатлар тасдиқлиниб, ижрога киритилди. Сайловни ташқил этишга амалий кўмак берувчи Ишчи гуруҳлар ҳудудларга бириктирилиб, сайлов жараёнини таҳлил-мониторинг қилиб борувчи вилоят штаби тузилди. Асосий мақсадимиз — бўлажак сайловларда халқимиз орасидан энг муносиб номзодларни саралаб олишдан иборатдир, — дейди ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташқил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Лочин Облоқулов.

Сўнгги йилларда вилоятда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ва моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, йиғинларга алоҳида бинолар ажратилиб, самарали фаолият олиб бораётган 340 та фуқаролар йиғинларининг барчаси телефон алоқаси, компьютер воситалари ва меблика жиҳозлари билан тўлиқ таъминланиб, зарурий шарт-шароитлар яратилди.

Бундай яратиб берилган имкониятлар фуқаролар йиғинларининг аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, ободончилик ва бунёдкорлик, тинчлик ва тотувликни, қолаверса, маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш табиий.

«Обод турмуш йили»да вилоятда жами 9 та, жумладан,

Нурота туманидаги А.Навоий номида, «Истикбол», Хатирчи туманидаги «Хонақа», «Хўжақуллоб», «Чечакота», «Янгираб», «М.Улуғбек», Навбахор туманидаги О.Фармонов номида, Кармана туманидаги «Варқ» ва «Дўстлик» фуқаролар йиғинлари бинолари янгидан барпо этилган бўлса, 20 та фуқаролар йиғинлари бинолари қайтадан таъмирланди. 43 та фуқаролар йиғинлари компьютер жамланмаси ва 78 та фуқаролар йиғинлари зарурий меблика жиҳозлари билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, буюк мутафаккир номи билан аталувчи навқирон юрда сўнгги беш йил давомида вилоят ҳокимлиги ташаббускорлигида фуқаролар йиғинларини алоҳида бинолар билан таъминлаш, улар моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш, маҳалланинг жамиятдаги ролини ошириш ва улар фаолиятини янада кучайтириш, раис ва маслаҳатчилар фаолиятини ошириш борасида олиб борилган сайёҳаракатлар алоҳида таҳсинга лояқикдир. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар қўламини кенгайтириш изчил давом эттирилмоқда.

Модомки, шу азиз Ватан фарзанди эканмиз, ҳар биримиз элим деб, юртим деб ёниб яшашимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳар бир жаҳасида фаол иштирок этиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни сизидилдан адо этишимиз зарур.

Тарадду

Урганча «Хоразм кўмир етказувчи» ҳудудий дистрибуторлик унитар корхонаси ўз фаолиятини бошлоди.

Брикетланган кўмир: тежамли ва қулай

Юксак технология ускуналар билан тайёрланаётган маҳсулотлар — брикетланган кўмирлар истеъмолчиларга етказиш учун тахт қилиб қўйилмоқда. Мазкур филиал ишга туширилиши билан 50 та иш ўрни очилди. Замонавий услубда қурилган бинода ишчи, мутахассисларнинг сифатли ва унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда, технологик ҳулосаларни танлашда экологик масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда брикетланган кўмир истеъмолчилар учун қулай тарзда тайёрланаётган, — дейди завод директори ўринбосари Машариф Саидмуротов. — Брикетланган кўмир ишлаб чиқаришдаги иссиқлик муаммоларини ҳал қилишда ҳам, турар-жой биноларини иситишда ҳам бирдек қулай воститадир. Хатто у ишлатилгандан сўнг ҳам ўз шаклини тўла сақлайди. Кул қолдирмайди ва унда зарарли норорганик аралашмалар йўқ.

Завод жамоаси келгусида кўшимча янги техника ускуналарини сотиб олиш ҳисобига брикет линияси қувватини икки баробарга оширишни режалаштирмоқда.

С.РАҲИМБЕРГАНОВА

Янгиланаётган ва яшнаётган Наманган



Томчида қуёш акси

Асқаржон ота Обидов Наманган шаҳри марказидаги "Шарқ тонги" маҳалласининг ҳурматли оқсоқолларидан. Шу ҳудуддаги тўй-тадбирлар усиз ўтмайди, ҳамма уни ўзининг қувончли дамларида меҳмон сифатида кўришни истайди. Оқсоқолнинг касби асли журналист. Ҳозир ёши саксонга яқинлашиб қолди. Узок йиллар вилоят радиосида муҳбир бўлиб ишлаган. Ўша пайтларда вилоятнинг Қамчиқ доводидан Норин дарёсигача, Марказий Фарғона чўлларида то Нанайнинг олмасор боғларигача бўлган ораликдаги ҳар бир қишлоқни кезиб чиққан. Наманганни-ку, қўяверинг, ўзи шу ерда тутилгани учун ҳар бир кўчасини ёддан билади десак, муболаға бўлмас.

Мен ҳам ҳамкасб бўлганим учун отахон билан кўришиб қолсам, дарров суҳбатга тортаман. Утган-кетганлар тўғрисида гаплашамиз. Ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланган билан ўртоқлашамиз. Яқинда у киши шундай деб қолди:

— Биласизми, инсон улғайган сайин ёшлигида бўлган жойларни кўришни истаб тураркан. Мен ҳам баъзан муҳбирлик қилиб юрган пайтларда кўп борган узок-яқин қишлоқларни, сўлим табиатидаги масканларни кўмсаб қоламан. Шунда шартта машинага ўтираман-да, биронта шерикни ёнимга олиб йўлга чиқаман. Яқинда Наманган туманидаги Хонобод қишлоғига бордим. Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетдиби. Кенг ва ёруғ кўчалар, пишк қишлоқдан қад кўтарган шинам бир ва икки қаватли турар-жой бинолари. Шахардан қолишмайди шарт-шароитлар...

Отахоннинг гапларида жон бор, албатта. Аммо бундай ўзгаришлар эндиликда нафақат битта-иккита қишлоқда, балки вилоятнинг ҳар бир бурчагида кўзга яққол ташланади. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар-жой кўчалар иборат даҳалар юрт кўрпига кўр қўшмоқда. Энг муҳими, одамларнинг турмуш даражаси оқсоқолдаки, бунга ҳавас қилмай иложингиз йўқ. Яна бир томони — амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган давлат сиёсатининг самаралари томчида қуёш акс этгандай яққол намоён бўлмоқда.

Умуман, Наманган вилоятида Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларига уй-жой қурилиши кўлимини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида изчил фаолият юритилаётганлиги кишини қувонтирмай қўймайди. "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компаниясининг маҳаллий филиалидан "Адолат" муҳбирига маълум қилишларича, кейинги уч йил давомида ўн битта туманда жами етмиш иккита янги турар-жой даҳалари пайдо бўлган. Уларда 1700 дан зиёд замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Айниқса, Тўрақўрғон туманидаги Чуст-кўприк, Қосонсой туманидаги Булоқ, Чортоқ туманидаги Короскон қишлоқларидаги мўъжаз шаҳарчаларнинг чиройига ҳар бир кишининг ҳаваси келиши турган гап.

Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, намунали лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши ҳажми кенгайиши муносабати билан бир

Сўлим куз ҳавоси ҳукмрон шу кунларда вилоят туманларида бўлсангиз, бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайётганлигини кўриб яна баҳри-диллингиз очилади. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегайди. Чунки «Обод турмуш йили»да улар олдида қўйилган вазифалар янада улғувор ва масъулиятли. Жами 700 та намунавий лойиҳа асосидаги уйларни битириб, фойдаланишга топшириш лозим. Мустақилликнинг 22 йиллиги арафасида Мингбулоқ, Норин, Поп ва Учқўрғон туманларида ҳам жуда кўп оила ҳовли тўйларини нишонлади. Бундай танта-налар яна давом этаверади.

ҚУВВАТ ВА ҚУДРАТ МАНБАИ

Юқорида биз тилга олган Асқаржон ота журналист эмасми, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда юз бераётган ўзгаришларнинг синчковлик билан кузатиб боради. Аввалроқ биз кўришиб қолганимизда шундай фикр айтганди:

— Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғловчи темир йўл қурилиши режалаштирилганидан хурсанд бўлдим. Ахир, лойиҳа рўёбга чиқарилгач, 125 километрлик Ангрен-Поп оралигидаги пўлат излар Узбекистоннинг яхлит темир йўл тизимини узил-кесил вужудга келтиради. Бу ишнинг сиёсий ва маънавий аҳамияти ҳам ниҳоятда каттадир.

Шу ўринда Қамчиқ доводидан ўтадиган транспорт тизими билан боғлиқ яна бир масала ёдга тушади. Бу ўринда гап 2014 йил бошида ишга тушадиган "Поп логистика маркази" ҳақида бораётган. У Фарғона водийсининг транспорт-логистика инфраузунлигини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш, юкларни ўз вақтида ва узлуксиз ташини имконини беради. Бу ерда йилгига тўрт миллион тоннадан ортиқ юк қабул қилиниб, жўнатилади.

Андижондаги нутқида Президентимиз Тўрақўрғон туманида бунёд этиладиган иссиқлик электр станциясини ҳам тилга олди. Мазкур ИЭСнинг қуввати 900 мегаватт бўлиб, водий вилоятларининг электр энергиясига эҳтиёжини тўла қоплаш имкониятини беради. Бу лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард АҚШ доллари харажат қилинади. Натижада иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги шарт-шароитлари вужудга келади. Аҳоли ҳам узлуксиз электр энергияси таъминотиغا эга бўлади. Дарвоқе, мазкур ИЭС қурилиши бошланганлиги ҳақида газетамиз бир неча

ҳафта илгари хабар ҳам берди. Бу ишоот нафақат мазкур туманига, балки бутун вилоятга, қолаверса, водийга қувват ва қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Яқинда Тўрақўрғонда бўлганимизда яна бир эзгу ишнинг устидан чиқдик. Туманда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг филиали қарийб йигирма йилдан бери фаолият кўрсатади. Бу ердаги олим ва мутахассислар истиқболли ғўза навларини яратиб ва уларни районлаштириш билан шуғулланадилар. Филиалнинг тажриба даласидаги кўсақлари оппоқ очилиб турган ниҳоллар кўзимизга бошқача кўринди. Уларнинг бўйи одатдагидан тикроқ, чаноқлардаги ҳосил ҳам мўлроқдай туюлди. Ажабланганимизни мезбонлар ҳам тушундилар.

— Бу селекционерларимиз яратган янги ғўза нави, — дея изоҳ берди филиал раҳбари Файзулла Фаёзов. — Унга "Тўрақўрғон-4" номи берилди. Мутахассисларимиз бир неча йилдан бери иш олиб боришади. Ҳосилдорлиги, толасининг хусусиятлари ҳам бошқа навларникидан афзал. Бу йил биринчи бор ўн икки гектарга эдик. Натижа ёмон эмас. Пахтасини териб олиб, қоп-қанорга жойлаямиз. "Тўрақўрғон пахта толаси" очик акциядорлик жамиятида қайта ишлангач, чигити алоҳида ажратилади. Келгуси йили у кўпроқ майдонга экилади. Янгиланиш эшитган жуда кўп фермерлардан талабномалар тушган.

Биз "Тўрақўрғон-4"нинг муаллифи Ҳусниддин Болтабоев билан ҳам суҳбатлашдик. Бу киши соҳада қарийб қирқ йилдан бери меҳнат қиларкан. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Пахтачилик илмини пухта ўзлаштирган инсон. Унинг айтишича, янги нави "175-Ф"ни бир қатор бошқа навлар билан чаতিштириш натижасида вужудга келган. Бўйи ўртача 115-120 сантиметрга боради. Ҳосил шохларининг миқдори ҳам етарли. Ҳар бир кўсақдаги пахтанинг вазни 5,5-6,5 граммни ташкил этади. Гектаридан 40-45 центнергача хирмон кўтариши мумкин. Толаси эса тўртинчи типга мансуб.

Азалдан тўрақўрғонлик миршкорларнинг донги чор-тароғга кетган. Бу ердаги болларда битган ажабтовул гилос-га, қанддай ширин узумлар, хушбўй ва хуштаъм анор олмаларни тановул қилмабсиз, бу дунёга келмабсиз, деган гап ҳам бор. Яқин йиллар ичида улар сирасига шу ердан ҳаётга "йўлланма олган" янги ғўза нави ҳам қўшилади. У ҳам назаримизда, юртнинг қудрат манбаига айланади.

Шу ўринда вилоятда бу йил аграр соҳада олға томон дадил қадам ташланганлигини ҳам қайд этиш лозим. Пилларкорлар ва ғаллакорлар бунёд этган хирмон ҳар доимгидан юксак бўлди. Айни дамларда пахта далаларида ҳам йигимтерим қизғин тус олган.

Фермерлик ҳаракати жадал ривожлантирилаётгани ушбу соҳани иқтисодиётнинг таянч устунига айлантирмоқда. Ер ўз эгасини топганлиги, илгор технология ва иш усулларининг кенг жорий этилаётгани

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салоҳиятини йилдан-йилга оширмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, соҳанинг бошқа тармоқларида ҳам юксалиш кўзга ташланмоқда. Жорий йилнинг ўзидагина 66 та қорамол боқишга, 33 та паррандачиликка, 43 та балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжалик ташкил этилди. Савдо шохобчаларида мазкур тармоқларда етиштирилган маҳсулотлар тобора кўпаймоқда.

омил ҳам ўзига яраша роль ўйнаётганлиги сир эмас. Этиборга молик жиҳати шундаки, бу ўзгаришлар ва янгиланишлар узлуксиз давом этмоқда. Ҳозир ҳам шаҳар кўчаларини айлансангиз, кўпдан-кўп қурилиш майдончаларини, улардаги кўкка бўй чўзган минорали кранларни, қўли-қўлига тегмай ишлаётган бунёдкорларни кўрасиз.

Наманган — мамлакат иқтисодиётида ўзига яраша ўрин-

наси билан ҳам тақдирланди.

— Бундан икки йил муқаддам Президентимиз Наманганга ташриф буюрганларида қорхонамизда бўлгандилар, — дейди у. — Ўшанда бизга ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун дизайн ва мода маркази барпо этиш маслаҳатини бергандилар. Мана энди, харидорларнинг тақлиф ва эҳтиёжларини ўрганиш, шу билан бирга, ўзимизнинг дизайнлар яратган кийим-кечак-



КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

Асқаржон ота вилоят маркази — Наманганнинг ўтмишини ҳам яхши эслайди. Собик туман даврида у "Гуллар шаҳри" деган ном олган бўлса-да, аслида бу истироҳат боғи-юриқликка асосий кўчалардаги гулзорларга берилган баҳо эди, холос. Аслида у кўчалари эгри-бугри, тор, пастак ва кўримсиз бинолардангина иборат шаҳар эди. Аҳоли турмуш даражаси ҳам шунга яраша бўлган. Истиқлолга эришилган эса вазият тезлик билан яхшилана бошлади.

Ҳусусан, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган "Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарор бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу ҳужжат асосида жуда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугунги кенг ва равон кўчалар, ажойиб хиёбон ва майдонлар, кўркам уй-жойлар, маданият ва спорт масканлари, шинам истироҳат боғлари, савдо ва маший хизмат кўрсатувчи шохобчалар, албатта, ҳар бир кишининг кўзини қувонтирмоқда, уларнинг қалбларини шундай обод юрда умргузaronлик қилаётганликларини учун фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирилмоқда.

Айниқса, Бобур, Дўстлик шохкўчалари, Нодим Намангоний, Амир Темур, Машраб, Тўрақўрғон, Истиклол кўчалари бутунлай янги қиёфа касб этди. Қад кўтарган янги кўп қаватли маданий-маиший бинолар, турар-жойлар уларга қўшилди. Алишер Навоий номли театр, "Истиқлол" кинотеатри, "Ёшлар маркази", "Баркамол авлод" спорт мажмуаси, "Қамолот" ва "Кичкинтой" боғлари, Хотира хиёбони шаҳарни янада кўркамлаштирди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг кайфиятини кўтаради, меҳнат унумдорлигига, бунёдкорлик иштиёқига ва байрат-шижоатига ҳам таъсир этмай қолмайди, албатта. Кейинги даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда эришилган натижалар салмоғи ортиб бораётганлигида мазкур

га эга бўлган шаҳар. Саноатчилар, энг аввало, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, жаҳон андозаларига мувофиқ келадиган, таннарфи арзон ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда. Бу экспорт ҳажмини кўпайтириш, импортни эса камайтиришга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу ўринда "Наманганмаш", "Мехмаш" ҳиссадорлик жамиятларини мисол келтириш мумкин. Ҳар икки қорхона жамоаси нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам мустақам нуфузга эга. Энг муҳими, улар кўлга киритилган марралардан чекинмаслик чораларини кўраётганликлар диққатга сазовордир.

Қорхоналарни замонавий, илгор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Албатта, бунда мамлакатда шаклланган қўлай сармоявий муҳит истиқболли лойиҳаларга кенг йўл очаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бу, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ёрқин намоён бўлаётганлиги қувончлидир. Яқинда шаҳарнинг марказий кўчаларида бирида "Истиклол" мода ва дизайн маркази иш бошлади. Биринчи қаватда кўрғазмалар зали, дизайн-лаборатория, намуналар цехи, фирма дўконлари жойлашган. Иккинчи қават замонавий ишлаб чиқариш цехлари ихтиёрига берилган. Учинчи қаватдан эса ошхона, маданий-маиший мажмуа ўрин олган.



Мазкур бино "Истиклол" кичик қорхонаси маблаг ҳисобидан қуриб битказилди. Бу жамоа етти йил илгари эркаклар кийимларини тикишга ихтисослашган чоғроқ цех сифатида иш бошлаган эди. Утган давр мобайнида у тармоқдаги йирик ишлаб чиқарувчилардан бирига айланди. Бу ерда тайёрланган костюм-шим, куртка, плаш, кўйлак, галстук ва бошқа маҳсулотларнинг қирқ фоизи чет элларга экспорт қилинмоқда. Қорхона раҳбари — ёш тадбиркор Бахтиёр Умаров 2011 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг мамлакат босқичи голиблари сафидан жой олиб, "Спарк" автомаши-

ларнинг янги моделларини жамоатчилик кўригидан ўтказиш учун яхши имкониятларга эга бўлди.

Бундай мисолларни истаганда келтириш мумкин. Тошкентдаги "Saas Teks invest" масъулияти чекланган жамиятнинг филиали 2012 йили иш бошлаганди. Юқори унумли дастгоҳлар ўрнатилган цехларда салкам юз киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларида ишчи касбларини мукамал эгаллаган йигит-қизлардир. Ҳозирга келиб, қорхона ўз маҳсулотлари — трикотаж буюмларни хорижий харидорларга ҳам жўнатмоқда. Бу йил экспорт ҳажми камида 500 минг АҚШ доллари миқдориде бўлиши кутулмоқда. "Фирдавс текстил", "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамиятлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар довриги ҳам тобора ошиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган эркаклар кийим-кечакларига мамлакатимиздан ташқарида ҳам талаб катта. Шунинг билан қорхоналарда ҳар йили технологик янгиланиш йўлидан борилмоқда. Костюм, кўйлак, пальтолларнинг янги моделлари ўзлаштирилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар натижасида шаҳарда энгил ва озик-овқат саноати, машинасозлик ҳамда металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суратлар билан ривожланаётганлигини қайд этиш мумкин.

...Аста оқшом чўқади. Автомобилларнинг чироклари, йўллар четидagi ёриткичлар нурида Наманган янада бошқача, нурафшон бўлиб кўринадди. Кўчаларда одамлар оқими сийрақлашса-да, автомашиналар ҳаракати ҳам сусайса-да, батамом тинмайди. Аммо барибир ҳамманинг оромга интилиши сезилмади. Келажакка юзланган шаҳар ҳам навбатдаги кунга куч тўплаш учун оқшомда бағридан жой олади.





БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

халқимиз ва юртимиз

меҳмонларини

дилларга меҳр-мурувват,

ҳамжиҳатлик туйғуларини

олиб кирувчи

муборак Қурбон ҳайити

билан самимий қутлайди.

Барчангизга

сиҳат-саломатлик,

оилавий хотиржамлик,

дастурхон тўкинлигини

тилаб қоламиз!




Азиз юрtdошлар, Қурбон ҳайатангаз муборак бўлсин!

Хонадонларингизни қут-барака,
кўнгилларингизни шодумонлик
асло тарк этмасин.

МАМЛАКАТИМИЗ ДОИМО ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ МУСАҒҒО БЎЛСИН!

«ШҮРТАНГАЗКИМЁ»
мажмуаси жамоаси



ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

<p>«МУСТАҚИЛЛИК 2013» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>	<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади</p>
--	--

хорижий валютада
«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ доллариди)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банк – сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
Хизматлар лицензияланган

Давр интилганни сийлайди

Илғор фермерлар

Андижон вилоятининг бир қатор туманларини айланиб юриб, йўлим Шаҳрихон туман фермерлар кенгашига тушди.
Гап орасида кенгаш мутасаддиларидан тумандаги илғор фермерларни сўраб-суриштирдим.

— Улар кўп. Сизга қай бирини айтсак экан, — дейишди менга.
— Туманимизнинг иқтисоди ана шулар туфайли ҳам мустақкам.
— Уша яхшилардан бирортасининг номини айтсангиз?
— Бўлмаса, «Аваз» фермер хўжалиги ҳақида ёза қўлинг. Чорвачиликка ихтисослашган. Раҳбари Жабборали Солиев. Тиришқоқ, изланувчан, юртим, элим деб яшайдиганлардан.
Жабборали Солиев билан учрашдик, гурунглашдик.
— Баҳоли қудрат ишлаяпмиз, — деди фермер. — Ўзингиз кўриб турибсиз: замон ишлаганники, меҳнат қилганники. Юртбошимиз, ҳукуматимиз ҳар томонлама бизни қўллаб-қувватлаб турганидан кейин олға интилмаслик, ишонччи оқламаслик мумкинми?
Фермернинг ихтиёрида бугун 300 бош қўй-қўзи ва 20 бош зотли қорамол мавжуд. Чорва ҳайвонлари учун 11 гектар майдон ажратилган.
— Еримизга таркибида ҳайвонларни тез тобга келтириб, маҳсулдорлигини оширишга хизмат қиладиган ем-хашак экинларини экканми. Силос ва сенажни мўл жамғарганимиз учун қишловни кўнгилдагидек ўтказамиз.
Фермердан бу йилги натижаларни сўрадик.
— Ҳозиргача 2 тонна гўшт ва 6 тонна сўт етиштирдик. Уларни буюртмачиларимизга олдиндан тузилган шартномага мувофиқ пешма-пеш ўтказиб бераяпмиз. Ҳали йил охиригача бу миқдорни янада оширамиз.

Ўз-ўзидан навбат келгусида амалга ошириладиган режаларга келди.
— Ҳали айтганимдек, давр интилганни сийлайди, — деди Жабборали ака ёндафтарини ва рақларкан. — Бугунги ютуқ билан чегараланиб, хотиржамликка берилиш тараққиёт заволи. Шу кунларда маҳсулотимизни ўзимизда қайта ишлаш ҳақида ўйляпман. Бунинг учун эса илғор техноло-

гия зарур. Шу мақсадда 100 миллион сўм кредит олиш ҳаракати-дамиз. Ана шунда маҳсулотимизни бугунги кун талаблари даражасида қадоқлашга эришган, ишчиларимиз сонини икки баробарга оширган бўламиз. Ҳа, айтган-дек, яхши ниятда паррандачиликка ҳам қўл урдик. 350 бош қурка парваришляяпмиз.
Дарвоқе, фермер боқувчисини йўқотган, моддий кўмакка муҳтож хамқишлоқларидан баҳоли қудрат ёрдамини аямайди.
Бундай фидойи фермерлар юртимизда янада кўпайишини истаб, қаҳрамонимиз билан хайрлашдик.

Азамат МАҲМУДОВ

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Маммажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи —** Ф.Ҳидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz
adolat_gazeta@mail.ru

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237

9 772093 523004

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—1000. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7050
Босишга топшириш вақти — 07.20 Босишга топширилди — 08.00

1 2 4 5